

Арафа куни ҳақида



15:11 / 05.06.2025 1667

Умму Салама розияллоҳу анҳо айтдилар:

«Аллоҳ таоло арафа куни дунё осмонига тушиб, фаришталарига: «Менинг розилигим фазлини талаб қилгани сабаб сочи тўзиган кишини олиб келинглар. Эй арафа аҳли, гуноҳларингизни кечирдим», деб айтади» («Ахбор Макка лил Фокиҳий»).

Арафа куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг энг кўп дуолари «Лаа илааҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу лаа шарийка лаҳу, лаҳул мулку ва лаҳул ҳамду биядиҳил хойру ва ҳува ъала кулли шайъин қодир» эди.

**«Макка, Каъба, Замзам тарихи,
ҳаж ва умра маносиклари» китобидан.**

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 7 сентябрдаги 03-07/ 6905-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.